

ТАРЖИМА ҚИЛИШ ҚИЙИН БЎЛГАН МУРАККАБ МОРФОЛОГИК ҲОДИСАЛАР  
ВА СИНТАКТИК КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ачилова Зулхумор Пулатовна**

*Тошкент шаҳрида жойлашган*

*ЎзДЖТУ Роман-герман филологияси факультети*

*испан тили катта ўқитувчи*

[achilova.zulxumor@mail.ru](mailto:achilova.zulxumor@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада таржима қилиш қийин бўлган мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва синхрон таржима оғзаки таржиманинг энг қийин тури эканлиги, бунда синхрон таржимон сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи...) нутқи билан баб-баравар қадам ташлаши, уни бир вақтнинг ўзида таржима қила олиши хақида. Шу сабабли ҳам таржима учун алоҳида вақт ажратилиши талаб қилинмаслиги ва маърузачи ҳам ўз нутқини тўхтатишга мажбур бўлмаслиги, яни бу бир вақтнинг ўзида таржима қилиш махорати эканлиги хақида. Чет тилига ўгирилган синхрон таржиманинг сифати чет тилида келган асл нусхани тўғри идрок этиш ва тушунишга, чет тилидан она тилига ўтиш тезлигига, таржимоннинг ўзи нутқидан матнни эшитиш қобилиятининг тўлиқ мустақиллигига ва асл нусхани она тилига малакали таржима қилишга боғлиқ эканлиги хақида. Бир пайтнинг ўзида оғзаки нутқни эшитиш ва уни таржима қилиш синхрон таржиманинг асосий хусусияти ҳисобланиши ва оғзаки матн таржимасининг ўзига хос хусусиятлари хақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** синхрон, таржимон, талқин, атама, билим, ноёб, сўз, тинглаш, қийинчилик.

В статье рассказывается об особенностях сложных морфологических явлений и синтаксических конструкций, труднопереводимых, а также о том, что синхронный перевод является наиболее сложным видом устного перевода, при котором переводчик-синхронист поэтапно оперирует речью говорящего (говорящего, говорящий, говорящий, отвечающий на вопросы...), чтобы иметь возможность перевести его в то же время. Поэтому для перевода не требуется специального времени и говорящий не должен останавливать свою речь, то есть это одновременно и непрерывный перевод. Качество синхронного перевода на иностранный язык зависит от правильного понимания оригинального текста на иностранном языке, скорости перехода с иностранного языка на родной, полной независимости способности переводчика слышать текст от речи и грамотный перевод оригинала на родной язык. Одновременное прослушивание и интерпретация устной речи является ключевой особенностью синхронного

перевода также на этой статье обсуждаются особенности устного перевода текста.

**Ключевые слова:** синхронный, переводчик, устный перевод, термин, знание, уникальный, слово, аудирование, трудность.

*The article describes the peculiarities of complex morphological phenomena and syntactic constructions that are difficult to translate, and the fact that simultaneous interpretation is the most difficult type of interpretation, in which the simultaneous interpreter is step by step with the speech of the speaker (speaker, speaker, speaker, answerer of questions...) to be able to translate it at the same time. That is why no special time is required for translation and the speaker does not have to stop his speech, that is, it is a skill of translation at the same time. The quality of simultaneous translation into a foreign language depends on the correct understanding and comprehension of the original in a foreign language, the speed of transition from a foreign language to the native language, complete independence of the translator's ability to hear the text from speech and competent translation of the original into the native language. Simultaneous listening and interpretation of oral speech is a key feature of simultaneous translation, and the specific features of oral text translation are discussed.*

**Key words:** simultaneous, translator, interpretation, term, knowledge, unique, word, listening, difficulty.

Синхрон таржима маълум бир тилда сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи ва ш.к.) билан иккинчи бир тил эгаси бўлган тингловчи ўртасида ҳеч қандай вақт талаб этмайдиган жонли алоқа, кўприк вазифасини бажаради. XX аср бошларидан қўлланила бошлаган синхрон таржима ўз моҳиятига кўра янги замон – жаҳон давлатлари ва халқлари ўртасида кенгая ва мустақамлана бошлаган алоқалар ва ҳамкорликлар замони маҳсули бўлиб, турли тилларда сўзлашувчи турли мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтадиган турли учрашувлар ва йиғинларнинг табиий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳодиса ҳисобланади.

Синхрон таржима оғзаки таржиманинг энг қийин тури бўлиб, бунда синхрон таржимон сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи...) нутқи билан баб-баравар қадам ташлайди, уни бир вақтнинг ўзида таржима қилади. Шу сабабли ҳам таржима учун алоҳида вақт ажратилиши талаб қилинмайди ва маърузачи ҳам ўз нутқини тўхтатишга мажбур бўлмайди, яни бу бир вақтнинг ўзида талқин қилишдир. Чет тилига ўгирилган синхрон таржиманинг сифати чет тилида келган асл нусхани тўғри идрок этиш ва тушунишга, чет тилидан она тилига ўтиш тезлигига, таржимоннинг ўзи нутқидан матнни эшитиш қобилиятининг тўлиқ мустақиллигига ва асл нусхани она тилига малакали таржима қилишга боғлиқ. Бир пайтнинг ўзида оғзаки нутқни эшитиш ва уни таржима қилиш синхрон таржиманинг асосий хусусияти ҳисобланади.<sup>1</sup>

Она тилига таржима усули ушбу турдаги таржима ишларининг мазмуни сифатида синхрон таржима машғулотларининг мақсадини белгилайди, яъни, мумкин бўлган бузилишларга ёки техник буюртманинг аралашувига қарамай, хорижий матнни тўғри тушуниш, қулоқчинлар орқали эркин идрок этиш кўникмаларини ривожлантириш, чет тилидан она тилига ўтиш маҳоратини ошириш, асл нусхасини олиш тезлигидан қатъи назар, таржимада тўлиқ автоматлаштиришга эришиш, она тили нуқтаи назаридан таржима қандай маъно касиб этишига қараб, ўша мазмунни чет тилига тўлиқ ва мазмун жихатдан ўзгармаган ҳолатда тақдим этиш синхрон таржиманинг асосий мақсади сифатида тушунилади.

Айтиб ўтиш лозимки синхрон таржима нафақат ўзининг анчагина қийин ва мураккаб эканлиги, балки энг тезкор таржима сифатида ўта муҳим ва қимматли эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Агар ёзма таржима ёрдамида бир тилдаги маълумот иккинчи тилга маълум вақт оралиғидан сўнг етказилса, оғзаки – оғзаки таржима, айниқса унинг синхрон таржима тури бир тилдаги маълумотнинг иккинчи тилга етказилиши учун ҳеч қандай вақт оралиғига ҳожат қолдирмайди. Бошқача қилиб айтганда, агар таржиманинг бошқа турлари фақат маълум вақт оралиғини босиб ўтиш шарти билан тиллар ўртасидаги тўсиқни олиб ташлашга эришса, синхрон таржиманинг мақсади тиллар ўртасида шундай фарқ ёки тўсиқнинг мавжуд эканлигини билинтирмасликка, тафовутлар ўртасидаги вақт оралиғини эса кескин қисқартиришга қаратилган бўлади.

Ушбу мақола мисолида ўқувчиларимизга тақдим этмоқчи бўлган барча маълумотлар ва таржима фаолияти турлари синхрон таржима қобилиятларини маълум даражада эгаллашга ёрдам беради, деб айтиш муболаға бўлмайди, чунки синхрон таржима таржимондан нафақат юқори билим даражаси, катта тажриба ва юксак маҳорат, балки катта масъулиятни ҳам талаб қилади. Бир тилда баён этилаётган фикр ва маълумотни тўхталишсиз, шу заҳотиёқ иккинчи бир тилга ўгириб бериш масъулияти синхрон таржимани бошқа таржима турларидан ажратиб турувчи яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади, аммо ушбу таржима турига тайёргарлик ўз методологиясига эга.

**Методика.** - Синхрон талқиннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, синхрон таржима бўйича тренингни асосан таржима машғулотларининг бошқа барча талқин турлари яхши ишлаб чиқилгандан кейингина, сўнгги босқичида бошлашингиз керак. Бу вақтга келиб талабалар яхши хотирага эга бўлишлари, таржима қилинаётган ёзма ва оғзаки матиннинг асл нусхани тўлиқ тушуниш қобилияти мукаммаллаштирилган бўлиши лозим, матнни тўлиқ тушунишда ва уни она тилига таржима қилишда маълум бир автоматлаштирилган механизм ишлаб чиқилган бўлсагина таржимон ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга тайёр ҳисобланади. Синхрон таржимани ўргатишда қуйидаги иш усулларини тавсия этиш мумкин:

1. Оғзаки ёки ёзма матн материаллари талабаларга қулоқ орқали таржима қилиш, варақдан таржима қилиш ва ҳоказоларга таниш бўлган матнлардан бошлаб танланиши мақсадга мувофиқдир. Аста секин таржима қилиш қийин бўлган мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларни ўз ичига олган энг мураккаб нотаниш матнлар билан давом эттириб борилади. Дастлабки босқичда жуда қийин матнларни бериш шарт эмас, чунки бундай материаллар бўйича машқлар нафақат фойдасиз бўлади, балки аксинча, талабаларнинг ўз қобилиятларига ишончсизлик пайдо бўлиши ва охир-оқибат таржимондан талаб қилинадиган жуда кўп кескинлик туфайли ушбу турдаги ишлардан нафратланишига олиб келиши мумкин. (Г.Я.Туровер, 204- стр.)

2. Талабалар танаффуссиз ёки таржиманинг бошқа турларига ўтмасдан жуда узоқ, бир марталик машғулотлар билан ортиқча юкланмасликлари керак. Шунинг учун лозимки хаттоки тажрибали синхрон таржимон учун ҳам 45-60 дақиқа бир матин устида ёки бирор сўз брикмаси устида изланиш жуда зерикарли бўлади. Буни ҳисобга олган ҳолда бошланғич таржимонларни жуда толиқтириб ёки зериктириб қўйиш ҳам ярамайди.

3. Ўқув машғулотлари давомида биринчи босқичда лентага олдиндан ёзиб олинган матнлардан фойдаланиш мумкин. Агар ёзув ўқитувчи томонидан амалга оширилса, ёзувлар асл тил ташувчиларга иложи бориша яқин бўлиши керак. Бунинг учун ёзиб олишдан олдин ўқитувчи таржима пайтида талабалар томонидан қилинадиган таржималарни текшириш учун керакли паузалар, тезланишлар, интонация ва ҳиссий рангларни матнга жойлаштириши лозим бўлади.

4. Машғулотларнинг сўнгги босқичида сиз талаффуз нуқсонлари ёки аралашуви бўлган бир нечта нутқларни, шунингдек таржима жараёнида ҳар доим қийинчилик туғдирадиган сўз брикмалар, мақоллар ва янги нотаниш сўзлар мавжуд бўлган матнларни беришингиз мақсадга мувофиқдир.

5. Мунтазам машқларнинг давомийлиги ва матнларнинг қийинлигини баҳолаш масаласи ўқитувчи томонидан ҳар бири алоҳида ҳолатда ўқувчиларнинг тайёргарлигига, уларнинг сонига ва машғулотларининг якуний мақсадига қараб ҳал қилиниши ва баҳолаб борилиши керак. Айтиб ўтганимиздек синхрон таржима маълум бир тилда сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи ва ш.к.) билан иккинчи бир тил эгаси бўлган тингловчи ўртасида ҳеч қандай вақт талаб этмайдиган жонли алоқа, кўприк вазифасини бажаради. Таржима, гарчи бир тилда билдирилган маъно, фикр ва маълумотни иккинчи тилга ўгириб бериш вазифасини бажариши билан қимматли бўлса-да, барча ҳолатларда ҳам бир тилдаги маъно, фикр ва маълумотнинг шакл ва мазмунини иккинчи тилда тўлиқ тиклашнинг иложи бўлмайди. Турли тилларнинг турлича лексик, синтактик, семантик, стилистик ва хатто фонетик хусусиятлари, қолаверса, турли тилларда гаплашувчи турли халқларда воқеликнинг турлича қабул қилиниши

таржиманинг аслият билан тўла мос келишини қийинлаштиради. Кўриб турганимиздек синхрон таржимонларни етиштириб беришда уларни тўғри баҳолаш ҳам ўзига ҳос ўрин тутади.

**Материаллар.** - Синхрон талқинларни ўқитиш учун ишлатиладиган материаллар турли конференциялар, йиғилишлар, конгресслар, форумлардаги асл нутқлар, маърузалар шунингдек БМТ материалларидан олиниши мумкин. Ўқув материали шаклида савол-жавоб характеридаги суҳбатлар, матбуот анжуманлари, суд мажлислари ва бошқа шу каби материалларнинг асосан савол-жавоб кўринишидаги нутқини жалб этиш лозим. Материалларнинг қийинчилик даражаси, услуби ва мавзуси ўзгариб бориши лозим. Мавзу асосан таржимоннинг ихтисослиги билан белгиланади, аммо ўқув материалида, албатта, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва минтақавий мавзулардаги матнлар бўлиши керак.

Синхрон таржимонларни махсус мавзу бўйича ўқитиш, талабалар ушбу фан ёки техника соҳасининг назарий қоидалари, унинг амалий қўлланилиши билан танишгандан сўнг, шунингдек таржима учун зарур бўлган терминологияни ўзлаштиргандан сўнг, махсус матнлар бўйича ўқитишни бошлаш мумкин бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, турли тиллардаги турлича грамматик системалар ва бошқа хусусиятлар барча турдаги таржима жараёнида маълум қийинчиликлар ва чекловларни келтириб чиқаради. Сўзловчи нутқини ҳеч қандай вақт ораллиғисиз таржима қилишга мўлжалланган, бошқа таржима турларига нисбатан тайёргарлик кўриш имкониятлари анча чекланган бўлса, синхрон таржимада бундай қийинчиликлар ва чекловлар анчагина жиддий кўринишга эга бўлади. Таржиманинг энг тезкор, энг қийин ва энг масъулиятли тури бўлган синхрон таржима билан шуғулланиш таржимондан бошқа турдаги, жумладан ёзма таржималарни амалга оширувчи таржимонлар олдида қўйиладиган умумий талаблардан ташқари, қуйидаги талабларга ҳам жавоб бериши лозим:

1) Ҳар иккала тилни таржима қилинаётган нутқни луғатдан фойдаланмасдан таржима қиладиган даражада яхши билиш ва ҳар қандай маънони ҳар иккала тилда эркин ифода эта олиш.

2) Ҳар иккала тилда ўта тез, равон ва аниқ сўзлай олиш.

3) Кучли эслаб қолиш қобилиятига эга бўлиш.

4) Диққат ва фикрни жамлай олиш қобилиятига эга бўлиш.

5) Ўта тез реакцияга эга бўлиш.

6) Ақлий ва жисмоний чидамлилиikka эга бўлиш.

7) Бир пайтнинг ўзида тинглаш ва сўзлаш қобилиятига эга бўлиш.

Шунинг билан бир қаторда, синхрон таржимон нафақат икки тилни яхши билиши, балки икки тил тегишли бўлган мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётининг, илм-фанининг барча соҳалари, шунингдек

ушбу мамлакатлар халқлари маданияти, урф-одати, дунёқараши ва менталитети тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумотга эга бўлиши, ушбу мамлакатлар ҳаётида юз бераётган воқеалар ва жараёнлардан хабардор бўлиши лозим.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Г.Я.Туровер “Пособие по устному переводу с испанского языка для институтов и факультетов иностранных языков» Москва ,1997 г (260 стр)
2. Ачилова, З. П. (2022). ОҒЗАКИ МАТН ТАРЖИМАСИНИНГ ФОНЕТИК ВА ЛЕКСИК ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ВА УНИ ЕНГИБ ЎТИШ ИМКОНИАТЛАРИ. PEDAGOGS journali, 3(1), 170-178.
3. АЧИЛОВА Зулхумор Автоматизированные навыки при устном переводе. № 2 (2) / 2014 ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ 4016 1. PDF версия статьи.
4. Мирзаева Н. Ф. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АУДИОВИЗУАЛЬНОГО МЕТОДА ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ //Интернаука. – 2019. – Т. 22. – №. 104 часть 2. – С. 29.
5. Ачилов.Ш.Ш. ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИСПАН ТИЛИ АФФИКСЛАРИНИНГ ТРАНСПОЗИЦИОН ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ (ИСПАН ТИЛИ МИСОЛИДА) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 6 - 2022 - С.682-688
6. Турамуратова, И. И. (2021). К ВОПРОСУ ОБ АДРЕСАТЕ ПОЭТИЧЕСКОГО ДИСКУРСА. Academy, (3), 19-20.
7. Хайдарова, Д. З. (2019). LA TERMINOLOGÍA Y LA TRADUCCIÓN EN LA SOCIEDAD DE LA INFORMACIÓN. Интернаука, (38), 95-96.